## Аутсорсинг шартлари асосида овқатланишини ташкил этиш учун

**ШАРТНОМА № __3___**

2022 й. 26- Апрел

Чирчиқ шаҳри

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталувчи **Тошкент вилояти Руҳий-асаб касалликлари диспансери** номидан Низом асосида фаолият юритувчи бош шифокори Ф.А.Шоносирова бир томондан,

ва кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталувчи **MCHJ "HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS "** номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директори **Д.А. Абдурахмонов** иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**I. Шартнома предмети**

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида қайд этилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса — ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб у тугагунига кадар ҳар куни шифохонани озик-овқат паёкларининг белгиланган меъёрлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этган ҳолда Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофиқ беш махал иссик овқат(нонушта, тушлик, полдник, кечки овкат) билан таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:
2022 йил 26-апрелдан 2022 йил 26- сентябргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактурани имзолаганидан ҳамда Буюртмачи томонидан Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

**II. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

2.1. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:
2.1.1. Таомни ва тайёр маҳсулотни сифатли тайёрлаш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг таом тайёрлаш ва овқатланишни ташкил этишга тааллуқли қисмларидаги талабларга тўлиқ мос келадиган Хизматлар кўрсатиш.
2.1.2. Овқатланувчиларнинг овқатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш.
2.1.3. Ўзининг омборида сақланаётган озиқ-овқат захираларини янгилаб туриш.
2.1.4. Аутсорсер томонидан сифатли ва янги махсулотлар харид килиш.
2.1.5. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.
2.1.6. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур Шартнома шартларига амал қилмасдан, овқат сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул бартараф этиш.
2.1.7. Таомни тайёрлаш жараёнига фақат белгиланган тартибда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга рухсат этиш.
2.1.8. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлок қоидалари, шунингдек, ички кун тартибига риоя қилиш мажбуриятини юклаш.
2.1.9. Хизматларни бевосита кўрсатиш.
2.1.10. Хизматлар нархини оширмаган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан:
солиқлар тўлаш;
белгиланган тартибда у билан меҳнат шартномаси тузган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;
озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш;
озиқ-овқат маҳсулотларини савдо шохобчаларидан хизмат кўрсатиш жойигача етказиш;
совутувчи компрессорлар ва бошқа жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаш, қайта тўлдириш;
ижарага олинган бино, хона, мебель, инвентарь ва бошқаларни зарур ҳолатда сақлаш ва жорий таъмирлаш.
2.1.11. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Буюртмачидан ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлар ва ошхона мебелини қабул қилиб олиш.
2.1.12. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачи овқатланишини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш.
2.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:
2.2.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаш.
2.2.2. Аутсорсерга шахсий таркибнинг овқатланишини ташкил этиш учун ижара шартномаси доирасида «ноль» ставкаси бўйича ошхоналарнинг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебель анжомларини вактинча

фойдаланишга бериш.
2.2.3. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Аутсорсерга ошхоналарнинг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебелини топшириш.
2.2.4. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Аутсорсерни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш.
2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
2.3.1. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда бажарилаётган ишларнинг юритилиши ва сифатини исталган вақтда текшириш.
2.3.2. Буюртмачи Шартномани бажаришни рад этиши тўғрисидаги хабарномани олгунига қадар Аутсорсерга кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаб, исталган вақтда Шартномани бажаришдан бош тортиш.

## III. Шартноманинг нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур Шартноманинг нархи :

| № | Хизматлар номи | Ўлчов бирлиги | сони | Нархи | сўммаси | ҚҚС | Жами сўммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **Иссиқ овқат (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) 20% устама ҳақи билан бирга** | **порция** | **21660** | **26400** | **571824000** | **0** | **571824000** |
| | **ЖАМИ** | **Х** | **21660** | **Х** | **571824 000** | **0** | **571824000** |

__ **571 824 000 ( Беш юз етмиш бир миллион саккиз юз йигирма тўрт минг )сўм** ________________
( сўмма сон ва сўз билан)
сўмни ташкил этади.
3.2. Аутсорсерга олдиндан 30 фоиз миқдоридаги тўлов 5 банк куни ичида ўтказилади.
3.3. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича 70 фоиз миқдорида ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ўн кунда камида бир марта амалга оширилади.
3.3.1. Овқатланадиган бир киши учун кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи Аутсорсер етказиб берувчидан харид қилган ва тегишли меъёрлар бўйича тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги нархи овқатланувчиларнинг сонига кўпайтириш йўли билан Буюртмачи томонидан белгиланади. Ҳосил бўлган якуний сумма 20 фоизгача устама ҳақи миқдорига кўпайтирилади (яъни, умумий сумма аутсорсернинг 20 фоизгача устама ҳақига кўпайтирилади).
3.3.2. Овқатланувчиларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва овқатланадиган бир кишига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озиқ-овқат маҳсулотларининг тақсимотига) мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда тўланиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда бажарилган ишларнинг йиғма далолатномасини тузади ва ҳисоб-фактурани расмийлаштиради ҳамда улар Аутсорсер раҳбари ва шифохона бош шифокори томонидан имзоланади.
3.3.3. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.
3.3.4. Мазкур Шартномага 2-иловада кўрсатилган Шартнома прогноз суммасини ҳисоблаш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўзгарганда ёки бошқа асосли ҳолатларда Томонлардан бирининг ташаббуси билан бир ойда бир марта қайта кўриб чиқилиши мумкин.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер Буюртмачи шахсий таркибининг овқатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолатларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларни зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.
4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмагани учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.
4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

**V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.
5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмайдиган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун судга берилади.

**VI. Форс-мажор ҳолатлар**

6.1. Томонлар мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни табиий офаатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга орқага сурилади

**VII. Якунловчи қоидалар**

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.
7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор-бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.
7.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

**VIII. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати**

8.1. Ушбу Шартнома икки томонлама имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

**IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари**

| “Буюртмачи” | “Аутсорсер” |
| --- | --- |
| **Тошкент вилояти Руҳий-асаб касалликлари диспансери** | **MCHJ “ HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS ”** |
| Манзил: Чирчиқ ш. А.Навоий 241 уй | **Манзил:** Тошкент вилояти Ангрен шаҳри, Наврўз маҳалла А. Яссавий кўчаси 121-а уй, |
| ИНН: 200846264 ОКЭД: 91513 | **ИНН:** 308 985 184. ОКЭД: 56290 |
| ШХВ: 100021860287419707320105400 2 | **Х/р**: 2020 8000 9054 5354 2001. |
| Тошкент шахар марказий банк ХККМ Х/р:23402000300100001010. МФО: 00014. ИНН: 201122919 Чирчиқ тумани ғазначилик бўлими | **Банк:** ХАТБ “DAVR BANK” Чилонзор филиали **МФО:**01046. |
| м.ў. ________ **Шоносирова Ф.А** ____ | м.ў. ________ **Д.А.Абдурахмонов** |

**ҲУҚУҚШУНОС** ____________

26 04. 2022 йил 3 -сонли шартномагаилова

## ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ

| Т/р | Ойлар | Ойдаги кунлар сони | Ўлчов бирлиги | Хизмат бирлиги учун нарх (сўм) | Хизмат бирликлари сони | Жами сумма ҚҚС сиз (сўм) | ҚҚС ___ % | Жами сумма ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Январь | 31 | | | | | | |
| 2. | Февраль | 28 | | | | | | |
| 3. | Март | 31 | | | | | | |
| 4. | Апрель | 30 | порса | 26400 | 3610 | 95 304 000,00 | | |
| 5. | Май | 31 | порса | 26400 | 3610 | 95 304 000,00 | | |
| 6. | Июнь | 30 | порса | 26400 | 3610 | 95 304 000,00 | | |
| 7. | Июль | 31 | порса | 26400 | 3610 | 95 304 000,00 | | |
| 8. | Август | 31 | порса | 26400 | 3610 | 95 304 000,00 | | |
| 9. | Сентябрь | 30 | порса | 26400 | 3610 | 95 304 000,00 | | |
| 10. | Октябрь | 31 | | | | | | |
| 11. | Ноябрь | 30 | | | | | | |
| 12. | Декабрь | 31 | | | | | | |
| | **Шартноманинг жами суммаси** | **365** | | | | **571 824 000,00** | | |

**IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари**

**“Буюртмачи”**
**Тошкент вилояти Рухий-асаб касалликлари диспансери**
Манзил: Тошент вилояти Чичрчмк ш.А.Навоий 248 уй
ИНН: 200 946 264 ОКЭД: 91 513
ШХВ: 100021860274197073201054002
Тошкент шахар марказий банк ХККМ
Х/р:23402000300100001010.
МФО: 00014. ИНН: 201122919
Чирчик тумани газначилик бўлими

м.ў. ________________ **Шоносирова Ф.А.____**

**“Аутсорсер”**
**МСHJ “ HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS ”**
**Манзил:** Тошкент вилояти Ангрен шахри, Наврўз махалла А. Яссавий кўчаси 121-а уй,
**ИНН:** 308 985 184. ОКЭД: 56290
**Х/р**: 2020 8000 9054 5354 2001.
**Банк:** ХАТБ “DAVR BANK” Чилонзор филиали **МФО:**01046.

м.ў. ____________**Д.А.Абдурахмонов**

4495670

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.10.2021 1055266 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308985184

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Angren shahri, Navro'z mahallasi, A.Yassaviy ko'chasi,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Angren shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 69600 на приобретение Иссиқ овқат (нонушта,тушлик,иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга

Способ проведения электронный

Дата 21.04.2022

Время рассмотрения 21.04.2022 08:31

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Рухий - асаб касалликлар диспансери, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SHONOSIROVA FIRUZA ABDULLAYEVNA | Bosh shifokor | TVRAKD |
| **Секретарь комиссии** | RAPIKOVA GULCHEXRA ABDUMAJITOVNA | bosh xamshira | TVRAKD |
| **Член комиссии** | ARTIKOVA MUXAYE MAXMADALIYEVNA | Kasaba uyushmasi raisi | TVRAKD |
| **Член комиссии** | YARBOZOROV FAHRIDDIN BO‘TAYEVICH | Vrach | TVRAKD |
| **Член комиссии** | XUDAYBERDIYEV SHERZOD XASANOVICH | bosh bugalter | TVRAKD |
| **Член комиссии** | ISMAILOV YAKUBJON SATTAROVICH | Xujalik mudiri | TVRAKD |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.04.2022 года № лота 69600.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 15

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуги по организации горячего питания |
| Количество товара | 3 610.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 700.00 |
| Стартовая сумма | 99 997 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуги по организации горячего питания |
| Количество товара | 3 610.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 700.00 |
| Стартовая сумма | 99 997 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
| Подробное описание | Услуги по организации горячего питания |
| Количество товара | 3 610.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 700.00 |
| Стартовая сумма | 99 997 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
| Подробное описание | Услуги по организации горячего питания |
| Количество товара | 3 610.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 700.00 |
| Стартовая сумма | 99 997 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
| Подробное описание | Услуги по организации горячего питания |
| Количество товара | 3 610.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 700.00 |
| Стартовая сумма | 99 997 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
| Подробное описание | Услуги по организации горячего питания |
| Количество товара | 3 610.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 700.00 |
| Стартовая сумма | 99 997 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ташкилотнинг Давлат идоралари рўйхатидан ўтказилаганлаиги хақидаги гувохнома мавжудлиги , Ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар сони (Ф,И,Ш, лавозими хамда иш тажрибаси хақида тўлиқ маьлумот, QR коди билан) ва Танлов иштирокчисининг иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари

(солиқ қумитасидан маьлумотнома)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг Давлат идоралари рўйхатидан ўтказилаганлаиги хақидаги гувохнома мавжудлиги , Ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар сони (Ф,И,Ш, лавозими хамда иш тажрибаси хақида тўлиқ маьлумот, QR коди билан) ва Танлов иштирокчисининг иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (солиқ қумитасидан маьлумотнома)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS" mas`uliyati cheklangan j** | 25 | 571824000 | 23 | Экспертная | | |
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 25 | 25 | 17 | Экспертная | | |

Критерий №2 Озиқ овқат етказиб бериш учун захираси мавжудлиги ва техника билан таминланганлиги, Озиқ овқатларни уз воқтида етказиб бериш хақида кафолат хати ва Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маьлумотнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Озиқ овқат етказиб бериш учун захираси мавжудлиги ва техника билан таминланганлиги, Озиқ овқатларни уз воқтида етказиб бериш хақида кафолат хати ва Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маьлумотнома мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS" mas`uliyati cheklangan j** | 25 | 571824000 | 24 | Экспертная | | |
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 25 | 25 | 17 | Экспертная | | |

Критерий №3 Банкдан картотекада турмаслиги туғрисида маьлумот асл нусхаси тақдим этилиш керак, Озиқ овқатларни этказиб бериш муддати ва бир хафтали озиқ овқат менюси, Шунга ухшаш ишларни бажарилганлиги (охирги у йиллик маьлумот ва Танлов иштирокчилари томонидан коррупсия кўринишларига йўл қўйилмаслиги бўйича кафолат хатининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкдан картотекада турмаслиги туғрисида маьлумот асл нусхаси тақдим этилиш керак, Озиқ овқатларни этказиб бериш муддати ва бир хафтали озиқ овқат менюси, Шунга ухшаш ишларни бажарилганлиги (охирги у йиллик маьлумот ва Танлов иштирокчилари томонидан коррупсия кўринишларига йўл қўйилмаслиги бўйича кафолат хатининг мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS" mas`uliyati cheklangan j** | 20 | 571824000 | 19 | Экспертная | | |
| **KELAJAK SARVINOZ FBM** | 20 | 20 Барча талаб килинган | 12 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ** | | маълумотлар киритилмокда ва талаб килинган маълумотлар буйича камчиликлар йук. Ушбу холатда хам Бахолаш меъзонида шаффофлик билан амалга оширилмаган такдирда Юкори турувчи ташкилотларга езма мурожаат килишими хакида огохлантирамиз | | | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 599 982 000.00 | 533 821 746.60 | 20.04.2022 16:24:55 | 20.00 |
| **"HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS" mas`uliyati cheklangan j** | 599 982 000.00 | 571 824 000.00 | 20.04.2022 12:26:50 | 18.67 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 52.8 | 20 | 72.8 |
| **"HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS" mas`uliyati cheklangan j** | 75.2 | 18.67 | 93.87 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 69600 от 21.04.2022 года на приобретение Иссиқ овқат (нонушта,тушлик,иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга определила победителем:

"HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS" mas`uliyati cheklangan j
308985184

и резервный исполнитель: KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ (306772665)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | YARBOZOROV FAHRIDDIN BO‘TAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XUDAYBERDIYEV SHERZOD XASANOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | SHONOSIROVA FIRUZA ABDULLAYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISMAILOV YAKUBJON SATTAROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Тошкент вилояти рухий асаб касалликлар диспансерида овқатланишни ташкил этиш бўйича Аутсорсерни танлаш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги тартибда харид комиссиясининг

# ЙИҒИЛИШ БАЁНИ.

Чирчиқ ш.

26.04.2022й.

**Кун тартибидаги масала:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 16-сон қарорига асосан Тошкент вилояти рухий асаб касалликлар диспансерида овқатланишни ташкил этиш бўйича Аутсорсерни танлаш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида эълон қилинган танлов асосида берилган таклифларни ўрганиб чиқиш ва танлаб олиш.

**Қатнашдилар:**

2. Комиссия рахбари — Ф.А.Шоносирова.

Комиссия аъзолари:

| | |
|---|---|
| Бош шифокор муовини | Ф.Б.Ярбозоров |
| Бош хисобчи | Ш.Х.Худайбердиев |
| Хўжалик ишлар мудири | Я.С.Исмаилов |
| Бош ҳамшира | Г.А.Рапикова |
| Касаба уюшмаси раиси | М.М.Артикова |

Таклиф берган барча ташкилот вакиллари.

Кун тартибидаги масала бўйича бош шифокор сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди:

Тошкент вилояти руҳий асаб касалликлар диспансери Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 16-сон қарорига асосан аутсорсинг хизматларини кўрсатувчи ташкилот ва корхоналарни танлаб олиш учун Давлат харидлари порталига **69600** сонли лот орқали эълон жойлаштирилганлигини ва ушбу эълон бўйича аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича жами 2 та ташкилотлардан электрон равишда таклифлар берилди, баённома икки кун мухакомада турганлигини ҳамда хеч қанақа этрозлар бўлмаганлигини йиғилишда айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 16-сон қарорига асосан барча ташкилотлар томонидан комиссияга таклифлари комиссия аъзолари

иштирокида хар бир берилган таклиф очиқ ва ошкора тарзда берилган таклифлар эълон қилинди.

Комиссия аъзолари таклифларни ўрганиб чиқиб бир овоздан қуйидаги хулосага келишди ва

ҚАРОР ҚИЛИНДИ

- Аутсорсинг хизмати кўрсатиш бўйича таклиф берган барча ташкилотлар Юқорида кўрсатилган қонун ва қарорга хамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш учун “ HOJAKBAR IMRONBEK PLYUS” МЧЖ ташкилоти билан белгиланган тартибда шартнома тузилсин.

2. Комиссия рахбари — Ф.А.Шоносирова.

Комиссия аъзолари:

Бош шифокор муовини — Ф.Б.Ярбозоров

Бош хисобчи — Ш.Х.Худайбердиев

Хўжалик ишлар мудири — Я.С.Исмаилов

Бош ҳамшира — Г.А.Рапикова

Касаба уюшмаси раиси — М.М.Артикова